

ISLAMONLINE.UZ

halol.uz

Ҳаром



Нималар ҳаром қилинди?



Куръони каримнинг Моида сурасида бундай дейилган: “Сизларга ўлимтик, кон, чўчка гўшти, Аллохдан бошканинг номи ила сўйилган, бўгилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузиб ўлдирилган, йирткич еган хайвонлар харом килинди. Факат (ўлмай туриб) сўйиб олсангиз (халол). Ва бутларга атаб сўйилган хайвонлар ҳам, чўплар ила фол очишингиз ҳам харом килинди. Бундай килишингиз фосикликдир... Ким гуноҳга мойил бўлмаган холида очликда музтар бўлса, албатта, Аллох магфиратли ва раҳмдир”
(3-оят).

Аллох таоло бандаларига кўплаб неъматларни тановул килишни халол килиб кўйган, барчасининг асли халол. Модомики, харом нарса аралашмаса, истеъмол килинаверади. Инсон шахси ёки амалининг унга таъсири йўқ. Мисол учун, нонни олайлик. Унинг бугдойини ким эккан, ким ўрган, кандай янчилган ёки кандай килиб нонга айлантирилган – буларнинг ахамияти йўқ, хаммаси истеъмол килинаверади. Аммо, гўшт махсулотлари хакида бундай деб бўлмайди. Чунки гўшт тирик хайвондан олинади. Тирик жониворни гўштга айлантириш жараёни ва ундаги ният хамда эътикод унинг халол ёки харомга айланишига сабаб бўлади. Шунинг учун хам, бу жараёнга, яъни, тирик хайвонни гўштга айлантириш жараёнига шариатда алоҳида эътибор берилади. Бир канча шартлар кўйилади. Ўша шартлар вужудга келгандагина ўша хайвон гўшти халол ҳисобланиб, истеъмолига рухсат берилади.

Бу шартларнинг бошида хайвоннинг жонини чиқариш пайтида унга жон берган Аллох номини зикр килиш туради. Бу иш килинмаса, катта маънавий жиноят содир бўлган бўлади, шу сабабли унинг гўшти харомга айланади. Ушбу оятда гўшти харомга айланиб қоладиган хайвонлардан бир неча тоифаси зикр этилган. Ўлимтик (ўзи ўлиб қолган хайвон), хайвон сўйилганда ундан оқадиган қон ва чўчка гўшти шулар жумласидандир. Буларнинг харом килингани ҳикматлари, тиббий сирлари хакида «Бақара» сураси тафсирида батафсил сўз юритилган.

«Аллохдан бошқанинг номи ила сўйилган» хайвон гўштининг хам харом бўлиши, олдин айтганимиздек, унинг иймон такозосига тўғри келмагандандир, уни яратган ва унга жон берган Зот номини кўйиб, бошқанинг номи ила сўйилгандандир.

«Бўгилиб ўлган» хайвон бўгилиш оқибатида ўлган бўлса, гўшти харомдир. Унга хам Аллохнинг номи айтилмаган, хам қони ичига тарқаб, гўшт зарарли ҳолга келган бўлади. «Уриб ўлдирилган» хайвонда хам аввалги ҳолдаги ҳикмат туфайли харомлик ҳукми бор. Бирор хайвонни тош, ёғоч ёки шунга ўхшаш нарсалар билан уриб ўлдирилган бўлса, унинг гўшти харомга айланади.

«Йикилиб ўлган»га келсак, тоғданми, баланд жойданми йикилиб ўлган хайвонларнинг гўшти хам харом саналади.

«Сузиб ўлдирилган» – икки хайвон бир-бири билан сузишсаю, бири ўлиб қолса, унинг гўшти хам харомдир.

«Йирткич еган хайвон харом килинди».

Яъни, бир йирткич хайвон мазкур гўшти халол хайвонга ҳужум килиб еса, ўлдирса, ундан ортиб қолган гўшт харом ҳисобланади.

«Магар (ўлмаёт туриб) сўйиб олсангиз (халол)».

Мазкур ҳолатларга дучор бўлган хайвонлар ўлмаёт туриб сўйиб юборилса, гўшти халол бўлади.

«Бутларга атаб сўйилган хайвонлар хам».

Жоҳилий арабларнинг турли бутлари бўлиб, уларга атаб жонлик сўйишар ва қонини ўша бутларга суртишар эди. Бундай хайвонларнинг гўшти, гарчи Аллохнинг номини айтиб сўйилган бўлса хам, бутларга аталгани учун харомдир.

Оят давомида катта маънавий харом иш хам зикр этилган: «чўплар ила фол очишингиз хам харом килинди».

Жоҳилият даврида бутхоналарда хизмат қилувчи қохинлар ҳузурда бир махсус идишда учта ёки еттита чўп турар эди. Уларга турли иборалар, жумладан, «Роббим буюрди» ёки

«Роббим кайтарди» деган иборалар ёзилган бўларди. Бирор ишни килиш ёки килмасликда иккиланган одам кохинга у-бу нарса бериб, фол очишни сўрарди. Шунда кохин идишдаги чўпларни аралаштириб, фол очирувчига тутар, у идишдаги чўплардан бирини тортганда «Роббим буюрди» деб ёзилган чўп чикса, ишни килишга, «Роббим кайтарди» деб ёзилгани чикса, ишни килмасликка амр этар эди. Бошка чўп чикса, яна пул олиб, кайтадан фол очарди. Худди шу услуб киморнинг бир турида ҳам кўлланар эди. Буларнинг хаммаси харом килинди.

«Бундай килишингиз фосикликдир». Аллох харом килган ишларни килишингиз фосиклик, яъни, дин амридан чикишдир.

Юкоридаги хукмларда айрим холатлардаги гўшларнинг харом экани таъкидланган эди. Охирги жумлада эса, истисно тарикасида музтарлик (заруратлик) холатида хукм нима бўлиши ўргатилмоқда. Яъни, айтайлик, инсон очликдан музтар бўлди – кийин холга тушиб колди, егани овкати йўк, факат харом килинган гўшлар бор, холос. Булар харом, деб улардан истеъмом килмаса, халок бўлади. Нима килиши керак? Мана шундай холда, гунохга мойил бўлмаган холда, яъни, ўзини халокатдан саклаб коладиган микдорда ўша харом нарсадан истеъмом килса, бўлади. Ночорликдан килинган бу иш учун Аллох уни маломат килмайди, жазога тортмайди. Зотан, Аллох магфиратли ва рахмли Зотдир.

(“Хилол” тафсири, 2-жилд, 9-12-бетлар)